

Ishonch

2020 йил 25 февраль • сешанба • № 28 (4313)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЯПОНИЯ ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 февраль куни Япония ва Корея Республикаси билан икки томонлама инвестициявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Ушбу давлатлар нафақат Осиё, балки бутун дунёда, айниқса, юксак технологиялар соҳасида етакчи ҳисобланиши, кенг инвестиция имкониятларига эга эканини таъкидлаш жоиз.

Давлатлар раҳбарларининг сиёсий иродаси ва мунтазам мулоқотлари туфайли Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган, ҳамкорликнинг турли йўналишларида яқин алоқалар йўлга қўйилган.

2019 йилда икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очган самарали ташрифлар амалга оширилди. Хусусан, 18-21 апрель кунлари Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин мамлакатимизда, 17-20 декабрь кунлари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Японияда ташриф билан бўлди. Учрашув ва музокаралар натижасида ҳужжатлар ва идоралараро салмоқли ҳужжатлар имзоланди, савдо-иқтисодий ва инвестициявий келишувларга эришилди.

Йиғилишда ушбу мамлакатлар билан ўзаро савдо ва инвестиция кўрсаткичлари изчил ошиб бораётгани таъкидланди. Ўтган йил якуналарига кўра Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 400 миллион доллардан ошди. Бугунги кунда юртимизда Кунчиқар мамлакат иштирокида ўттизга яқин корхона фаолият юритмоқда.

Эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича янги тақлифлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Япониялик шериклар билан ҳамкорликда геология, кимё ва нефть-кимё, банк-молия, соғлиқни сақлаш, таълим каби соҳаларда умумий қиймати 6,6 миллиард долларлик 48 та лойиҳа амалга оширилаётгани таъкидланди.

Хусусан, «HIS» компанияси билан меҳмонхоналар қуриш, «Isuzu» ва «Itochu» билан «Сам-Авто» корхонаси ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан Навоий иссиқлик энергия станциясида энергия блоклари (Навоий-3) қуриш бўйича ва кўплаб бошқа лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Йиғилишда икки томонлама турли тадбирлар, жумладан, ишбилармон доираларнинг ўзаро ташрифларини ташкил этиш, янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш орқали Ўзбекистон – Япония ҳамкорлигини янада фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Корея Республикаси билан ҳам иқтисодий алоқалар салмоқли даражада ривожланмоқда. Хусусан, ўтган йил якунига кўра икки томонлама савдо ҳажми 2018 йилга нисбатан 27 фоизга, жумла-

дан, экспорт 30,1 фоизга ошди. 2019 йилнинг ўзида Ўзбекистонда Жанубий Корея сармоялари иштирокида 198 та корхона ташкил этилди, уларнинг умумий сони 800 дан ошди.

Кореялик шериклар билан биргаликда Тошкент шаҳрида болалар кўп тармоқли тиббиёт марказини қуриш лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилган таъкидланди. Тошкент вилоятининг Қибрай туманида «Tashkent Farma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини яратиш ишлари бошланди. Мазкур лойиҳа илмий-тадқиқот маркази, лабораториялар, виварий, фармакопей марказини ўз ичига олган Фармацевтика техника университети ҳамда дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва техникасини ишлаб чиқариш учун санонат зонаси ташкил этишни назарда tutади.

Қишлоқ ҳужалиги, ахборот-коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш, кимё, текстиль, электротехника, фармацевтика, зарғарлик санвати, таълим ва инновациялар ҳамкорлигини янги истиқболли йўналишлари сифатида қайд этилди.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) техник кўмаги билан 2019 йилда соғлиқни сақлаш ва стандартлаштириш бўйича умумий қиймати 13 миллион долларлик иккита грант лойиҳаси доирасида иш олиб борилди, яна 29,6 миллион долларлик 6 та лойиҳа амалга оширилмоқда. 2020-2022 йилларда умумий қиймати 72,2 миллион долларлик 10 та лойиҳа ўрганилмоқда.

Корея Республикаси Эксим-Банки билан ҳамкорлик доирасида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва биргаликда молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасига 2 миллиард долларлик ресурслар жалб қилинди ҳамда 14 та стратегик муҳим лойиҳа амалга оширилди. Умумий қиймати 608 миллион долларлик 6 та лойиҳа устида иш бошланди.

Мухтасар айтганда, Япония ва Жанубий Корея билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 40 мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш, ишлаб чиқариш ҳажмини 4,1 миллиард долларга, экспорт ҳажмини эса 1,14 миллиард долларга ошириш назарда тутилган.

Президент Шавкат Мирзиёев олий даражадаги ташрифлар якунида ишлаб чиқилган «Йўл хариталари»да 2020 йилга белгиланган чора-тадбирларнинг тўлиқ ва сифатли ижросини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди, аниқ вазифалар белгиланди.

ЎЗА

КИМЁ САНОАТИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 февраль куни кимё саноатини ислоҳ қилиш бўйича истиқболли режалар ҳамда жорий йилда амалга оширилган асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Сўнгги йилларда соҳани модернизация қилиш, молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ва юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Тармоқ корхоналарининг рентабеллигини кўтариш мақсадида бозор механизми жорий этилиб, нархни шакллантириш тартиби бутунлай қайта кўриб чиқилди. Натижада кимё тармоғи ўтган йилни 2018 йилга нисбатан 2,3 баробар кўп фойда билан якунланди.

«Навоийазот» акциядорлик жамиятида Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси ишга туширилди. Шўртан газ-кимё комплексида синтетик суюқ ёқилги, «Навоийазот» акциядорлик жамиятида азот кислотаси, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш заводлари қурилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу йил январь ойида парламентга йўллаган Мурожаатномасида ва Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида кимё соҳасига алоҳида эътибор қаратиб, ҳукумат олдига уни модернизация қилиш, илм-фан ва инновацияларни кенг жорий этиш бўйича қатор вазифалар қўйган эди.

Бу бежиз эмас. Чунки мазкур тармоқда муаммолар, ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Жумладан, юртимизда ишлаб чиқариш мумкин

бўлган, мураккаб таркибга эга бўлмаган кимё маҳсулотлари четдан олиб келинмоқда. Экспорт структураси диверсификация қилинмаган, бунда ҳа-нузгача минерал ўғитлар улуши жуда катта. Ишлатилаётган ускуналар 60 фоиз эскирган, энергия сарфи мейёрдан 2-3 баравар ортиқ.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда соҳани ислоҳ қилиш, корхоналар самарадорлиги ва салоҳиятини ошириш бўйича вазифалар белгиланди.

Тармоқдаги ҳар бир корхона фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, маҳсулотлар сифатини ошириш, энергия сарфини камайтириш ҳисобига таннархни пасайтириш бўйича топшириқлар берилди. «Рақамли технологиялар»ни қўллаш, инсон ҳаёти учун хавфли жараёнларда автоматлаштириш даражасини кўтариш муҳимлиги қайд этилди.

Кимё соҳасида янги йўналишларни ривожлантириш, хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Тўқимачилик, қурилиш материаллари, автомобилсозлик, истеъмол товарлари, озиқ-овқат ва фармацевтика учун зарур хомашё ишлаб чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

«Навоийазот» акциядорлик жамиятида поливинилхлорид ишлаб чиқариш тез муддатда лойиҳа қувватига олиб чиқиш ҳамда иккинчи босқий

чини лойиҳалаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

«Фарғонаазот» акциядорлик жамияти, Қўнғирот сода заводи ва Дехқонобод калийли ўғитлар заводида давлат улушини инвесторларга сотиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Кичик тоннажли кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шу мақсадда «Навоийазот» акциядорлик жамиятида бўш турган майдонлар негизда ихтисослашган кичик саноат зонаси ташкил қилиш зарурлиги қайд этилди.

Маълумки, жорий йил мамлакатимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилиниб, ҳар йили илм-фаннинг бир неча устувор йўналишини ривожлантириш белгилаб олинди. Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичидаги муҳим йўналишлардан бири эса кимё соҳасидир.

Шу боис йиғилишда ушбу тармоқда таълим ва илм-фани такомиллаштириш, замонавий кадрлар тайёрлаш жуда муҳимлиги таъкидланди. Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқани мустақкамлаш, бунинг учун тадқиқотларнинг соҳа корхоналари эътиҳига ҳамроҳлигини таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Жанубий Корея билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот институти ташкил этиш, Тошкент кимё технология институтини мутахассисликлар ва ўқув дастурларини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мутасаддилар йиғилишда муҳокама қилинган масалалар ва соҳадаги истиқболли режалар юзасидан ахборот берди.

ЎЗА



Самарқанд вилояти

Ишчи гуруҳи йиғилиши

Аёл муаммолар гирдобида қолмайди

Президентимиз топшириғига биноан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов раҳбарлигида тузилган Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Республика ишчи гуруҳи фаолиятининг навбатдаги маъраза Самарқанд вилоятининг Пастдарғом тумани бўлди.

Шу мақсадда туман ҳокимиятида Ишчи гуруҳининг йиғилиши ўтказилди. Унда энг чекка қишлоқларда ҳам истиқомат қилаётган аёлларнинг



ҳаёти ва турмуш тарзини чуқур ўрганиш лозимлиги айтиб ўтилди. Эҳтиёжманд, оғир турмуш шароитларида яшаётган хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаб, теzkорлик билан ҳал этиш чоралари қўрилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда аҳоли сон жиҳатидан вилоятдаги

энг йирик туманлардан бири бўлган Пастдарғомда ҳал этилиши лозим бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммолар етарлича экани ҳақида сўз юритилиб, мавжуд 107 та маҳалладаги хотин-қизлар муаммоларини чуқур ўрганишга келишиб олинди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»



КҮН НАФА СИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фармонида мувофиқ, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори **Убайдулла Уватов «Фидо-корона хизматлари учун»** ордени билан мукофотланди.




uza.uz



Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси **Сардор Рустамбоев** Париж шаҳрида мамлакат Ташқи ишлар ва Европа ишлари бўйича вазирининг Марказий Осиёда иқтисодий дипломатия масалалари бўйича махсус вакили **Паскаль Лоро** билан учрашди.

uza.uz




Ўзбекистоннинг Латвиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси **Қадамбой Султонов** Рига шаҳрида Латвия Ташқи ишлар вазирлиги икки томонлама муносабатлар директори Бош директори **Илгварс Клява** билан учрашди.

uza.uz



Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари **Илҳом Неъматов** Словакия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси **Ян Бори** билан учрашди.

uza.uz




Адлия вазирлигида Бирлашган Араб Амирликларининг Вазирлар Маҳкамаси ишлари ва келажак вазирлиги вакили иштирокида мамлакатимизнинг 25 га яқин вазирлик ва давлат идоралари ходимлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг маъсул ходимлари учун икки кунлик «**Умумий сифат бoshқаруви: Ҳукумат фаолиятини такомиллаштириш**» мавзусида тренинг ўтказилмоқда.

uza.uz



Тошкент вилояти Қибрай туманида «Яланғоч» қишлоқ оилавий поликлиникаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

uza.uz




Ҳиндистоннинг **Нью-Дехли** шаҳрида спорт қурашлари бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида полвонларимиз **иккитадан олтин ва кумуш ҳамда олтин бронза медалини қўлга киритди.**

uza.uz



Жорий йилнинг 5 мартдан 30 апрелга қадар «**Афросиёб**» тезузор поездининг қўшимча қатнови йўлга қўйилди. Рейс «Тошкент – Самарқанд» йўналишида ҳар пайшанба кунлари амалга оширилади.

railway.uz



Энергетика вазирлигида Осиё тараққиёт банки (ОТБ) маслаҳат кенгаши вакиллари билан **учрашув** бўлиб ўтди.

minenergy.uz

Келгуси сонларда ўқинг... >>>

**МУҲИМ, ЛЕКИН
МУАВЖУМ МАСАЛА**
Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ким белгилайди?

**ИШЛАР ДАСТУРДА
БЕЛГИЛАНГАН ДЕК(МИ?)**
ёхуд Обод қишлоққа айланолмаётган гўшалар...

Азиз газетхонлар!
«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарини ўз вақтида оляписизми?
Тахририят газеталарнинг ўз манзилига етиб боришини доимий назорат қилиб бориш мақсадида телеграм ижтимоий тармоғида «**Муштарий гуруҳи**» каналини ташкил қилди. Агар Сизга газета ўз вақтида етиб бормаётган бўлса, қуйидаги ҳавола – t.me/ishonchmurojaat орқали телеграм гуруҳига қўшилиб, тахририятга мурожаат қилишингизни сўраймиз. Шунингдек, мурожаатлар **(+99871) 256-87-73** телефон рақами орқали ҳам қабул қилинади.

Хисобот-сайлов йиғилишлари

Сирдарё вилояти

Муфассал маълумот берилди

Сардоба туманидаги 15-умумтаълим мактабида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси юридик бўлими етакчи юрисконсулти Наргиза Асадова, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Қаршибой Эшназаров ҳамда тармоқ касаба уюшмасининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Алижон Мамарасулов иштирок этди.



Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»

Унда ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Йиғилишда 5 нафар аъзолардан иборат янги кўмита ва раис очик овоз бериш йўли билан

сайланди. Иштирокчиларга «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонун мазмун-моҳияти муфассал тушунтирилди.

Наманган вилояти

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши та- сарруфида 97 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти бўлиб, 7300 нафар аъзо манфаатлари ҳимоя қилинади.

Ходимлар манфаати – устувор

Ф аолиятни янада жонлан- тириш мақсадида ти- зимдаги бошланғич ка- саба уюшма ташкилотлари ра- ислари иштирокида «Касаба уюшмаси органларида ҳисобот-сайловлар ҳамда Жамоа шартномаларининг 2019 йилда бажарилиши яқунлари бағиш- ланган умумий йиғилишни ўтқа- зиш» мавзусида ўқув-семинар- лар ўтказилди. Ҳисобот-сай- ловларни ўтказиш ҳақида Наманган шаҳар кенгашининг қарори ва тегишли тadbирлари қабул қилинган ҳамда жойларга етказилди.

Шу кунга қадар тармоги- мизга қарашли Қишлоқ хўжа- лиги бошқармаси, Вилоят ме- лиорация экспедицияси, «Но- рин-Сирдарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, «Уруғчиликни ривожлантириш маркази» ДУК Наманган вило- яти ҳудудий бошқармаси, Шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими ва бошқа бир қатор касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сай- лов йиғилишлари юқори савия- да ўтказилди.

Унда ютуқлар билан бир қа- торда мавжуд муаммолар ва камчиликлар ҳам муҳокама этилди. Асосий вазифа, энг ав-

вало, ходимлар манфаатларини қўллаб-қувватлаш эканидан ке- либ чиққан ҳолда янги қабул қилинаётган жамоа шартнома- ларида бунга алоҳида урғу бе- рилмоқда.

Шунингдек, йиғилиш- ларда фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ис- лохотларга монанд равишда ка- саба уюшма кўмиталарининг долзарб вазифалари белгилаб олинди.

Зулхумор ХОЖИМАТОВА, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси

Қашқадарё вилояти

Таҳлилда гап кўп

Деҳқонобод ту- манидаги 1-уму- мий ўрта таълим мактабида маъ- мурият ва ходим- лар касаба уюшма кўмитаси ўртасида 2019-2021 йиллар учун қабул қилин- ган жамоа шарт- номасининг 2019 йилда бажари- лиши бўйича уму- мий йиғилиш ўтқа- зилди.

Й иғилишда Қашқа- дарё вилояти та- саба уюшма таш- килотлари бирлаш- масининг меҳнатни муҳофаза қилиш бў- лими мудир А.Хўжаку- лов иштирок этди.

Мактаб директори Н.Жиянов ва бош- ланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Д.Хол- маҳматованиннг ҳисобот-ларидан шу нарса аёнлашдики, йил мо- байнида жамоа шарт- номаси бандларининг бажарилишига тўлиқ эришилган.

Маълумки, 2020 йил касаба уюшма- ларида ҳисобот-сайлов- лар йили ҳисобланади. Шу муносабат билан мактаб бошланғич ка- саба уюшмаси ташки- лотининг ҳисобот-сай- лов йиғилиши ўзига хос тарзда – амалий се- минар тариқасида ўт- казилди. Унда мактаб жамоаси билан бирга тумандаги таълим му- ассасалари бошланғич касаба уюшма кўми- таси раислари ҳам иштирок этди.

Мактаб касаба уюшма кўмитасининг биринчи ташкилий йиғилишига ўта масъу- лият билан ёндаши- либ, амалга оширилган ишлар эътироф этилган ҳолда бошланғич ка- саба уюшма кўмитаси раислигига Дилфуза Холмаҳматова қайта сайланди.

Бахтиёр ЮСУПОВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Деҳқонобод тумани кенгаши раиси

Самарқанд вилояти

«Зарафшон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси касаба уюшма ташкилотиди бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференция- сида кишини мушоҳадага ўндовчи фикрлар кўп бўлди.

Ишончни оқлаш масъулияти

Т аъкидландики, ҳисобот йилида жамоа шартномасига киритил- ган, имтиёз ва кафиликларни ка- фолатловчи 274 та модданиннг 225 таси бажарилишига эришилган. Эътиборли жиҳати, ҳар бир ишловчи йил давомида касаба уюшмаларига тўлаб келган бадал- ларидан 12 баробар ортиқ моддий ман- фаат кўрган.

Жамоат ташкилоти ва маъмурият ижтимоий шериклик асосида ҳаракат қилгани боис ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсизликлар барҳам топган. Биргина меҳнат муҳофазаси тadbирла- рига иш берувчи маблағлари ҳисоби- дан 16 миллион сўм маблағ йўналтирил- ган. Жамоа шартномаси талаблари асо- сида ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 1419200 сўмни ташкил этиб келаётир.

Кам таъминланган оилалар, хотин-қизлар, ёшлар манфаати ино- батга олиниб, уларни соғломлаштириш, касбий маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. 18 та янги иш ўрни

яратилиб, ёш мутахассисларнинг банд- лиги таъминланган.

Бошланғич ташкилот фаолиятини му- носиб баҳолаган жамоа аъзолари ўзла- рига янги етакчи сайлашга ҳам масъулият билан ёндашди. Очик-ошқора тарзда ўт- ган сайловда энг кўп овоз тўплаган Қо- бил Латипов корхона бошланғич ташки- лоти раислигига сайланди.

– Жамоаниннг бу ишончи мени ўз устимда янада кўнгилсизликлар билан ишлашга ундайди, – дейди Қобил Латипов. Ҳисобот-сайлов йиғилишида ишти- рок этган Ўз КУФК бўлим мудир Мах- муджон Исаев касаба уюшмаларининг янги қонун талабларидан келиб чиқада- ган вазифалари ва фаолиятининг устувор йўналишларига эътибор қаратди.

Расул СУЮНОВ, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши мутахассиси

Жиззах вилояти

Муҳим аҳамиятга молик

Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари бир- лашмаси кенгашида «Ка- саба уюшмалари тўғриси- да»ги янги қонун тарғиби- тига бағишланган тadbир ташкил этилди.

У нда Ўзбекистон касаба уюш- малари Федерацияси кен- гаши юридик бўлими етакчи юрисконсулти Наргиза Асадова, бирлашма кенгаши раиси Ўрин- босари Аъзам Рашидов қонундаги моддалар, меҳнат инспекцияла- рининг ваколатлари хусусидаги мулоҳазаларини баён этишди. Янги қонун меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик жиҳатлари, қонунийлик, ихтиёрийлик, камси- тилишга йўл қўймаслик, мустақил- лик ва ўзини ўзи бошқариш, тенг ҳуқуқлилик, ошкоралик ва очик-



лик принципларига асослангани билан ҳам алоҳида аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди. Тadbирда корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, бош-

ланғич касаба уюшма кўмиталари раислари фаол иштирок этди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»

Бухоро вилояти

Муносиб фаолият асоси

Бухоро шаҳар ҳокимлигида Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюш- маси Бухоро шаҳар кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Д аслаб Бухоро шаҳри ҳо- кимлигининг 2018-2020 йиллар учун қабул қилин- ган жамоа шартномасининг 2019 йилда бажарилиши яқунлари тўғрисида иш берувчи ва касаба уюшма кўмитаси раиси У.Исомов- нинг ҳисоботлари тингланди. Жа- моа шартномаси бажарилишини текшириб боруви комиссия ра- исини касаба уюшмаси аъзоларини текширув далолатномаси билан таништирди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюш- маси Бухоро шаҳар кенгаши мута- хассиси Н.Файзиев сўзга чиқиб, ка- саба уюшмасига аъзолик афзаллик- лари, жамоа шартномаси нима

мақсадда тузилиши ва ўз ичига ни- кимлигининг қамраб олиши ҳақида за- рур тушунтиришлар берди. Йиғилиш давомида ка- саба уюшма кўмитаси аъзолари бошланғич касаба уюшма кўми- таси аъзолари, кўмита раиси ва тафтиш комиссияси аъзолари ва раисини қайта сайлади.

Бухоро шаҳар ҳокимлиги бош- ланғич касаба уюшма кўмитаси раислигига Улуғбек Исомов қайта сайланди.

Туроб ҚУЛИЕВ, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси



Навоий вилояти

Кўтаринки руҳда

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Кар- мана тумани кенгаши тасарруфидаги 21-умумий ўрта таълим мактабиди жамоа шартномасининг 2019 йилдаги ижроси ва бошланғич касаба уюшма кўмитасининг беш йиллик иш фао- лияти юзасидан ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Т adbирда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнаткашлар манфаатини ижти- мий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудир О.Бобомуродов ва туман кен- гаши раиси У.Мусаев иштирок этди.

Касаба уюшма кўмитаси раиси А.Аслоновнинг маърузаси ҳамда кўми- таниннг фаолияти юзасидан фикр-му-

лоҳазалар билдирилиб, амалга оши- рилган ишлар қониқарли, деб баҳо- ланди. А.Аслонов бошқа ишга ўтгани инобатга олиниб, мактаб жамоаси бир овоздан Зоҳид Қўлдошевни касаба уюшма кўмитаси раиси этиб сайлади.

Нормурод МУСОМОВ, «ISHONCH»



М ен у аёл билан доим фахрланаман. Сўхбатларидан баҳра оламман. Ин- сон кадр-қимматини ўткиччи ман- саб, қимматбаҳо тақинчоқлар, ҳашаматли уй-жой, қўша-қўша машиналарсиз тафаккур қилиш қобилиятига эга, фикри теран, маъри- фатли, оқила аёл давраси оҳанрабодек мени ўзига тортаверади.

Комила Боймуродова шундай аёл... У яқинда узоқ йиллик камтарона меҳнатлари эвазига Ўзбекистон касаба уюшмалари Фе- дерациясининг «Эҳтиром» нишонин билан тақдирланди. Бундай шарафга сазовор бў- лиш – инсон учун энг катта бахт. Бу эъти- роф замирида самарали ва унумли меҳнат ётади, аслида. Унинг бахт формуласи эса барча учун ибрат: МЕҲНАТ + ИЗЛАНИШ + ИЖОД = БАХТ

... Сирдарё ёқасидаги Ахчоб қишлоғи

Комиланиннг бахт формуласи

эрта баҳорда ажиб тароватга бурканади. Ут-ўланлар поёндоз тўшаган кенгликлар бу ерларга ўзгача файз беради. Бир кў- лида нуқсонни билан туғилган қизалоқнинг болалиги мана шу асов дарё бўйлариди ўтди. Дугоналарининг эрта кўкламда энди- гина ниш уриб чиққан қоқи ўтлардан соч- баргақлар ясаб пешоналарига тақиб олиш- ларига ҳаваси келадиган Комила мана 50 ёшни қоралабдики, ҳамон ўша орзу билан яшаяпти. Ўз кўллари билан дала ўтларидан чамбаракул ясаб сочларига тақиб олса-ю, кўлини кўкларга кўтариб бепоён далалар бўйлаб югураверса, югураверса. Бирок ҳа- ётнинг ҳар кимга аталган ва ўлчаб берил-

ган неъматлари бўлар экан. Комилага эса бу оламнинг катта-кичик юмушларини бир кўли билан бажариш насиб этган.

Комила 9-10 ёшдан тўқишга меҳр кўйди. Бир кўл билан қийин бўлса ҳам кийимлар, кашталар тикишга ҳаракат қилди. У бун- дан нафақат завқ олади, балки оз бўлса-да даромад ҳам кўради. Кўл меҳнати асабни тинчлантиради. Тиниқ фикрлашга ундайди. У ўзи яратган кичик кашфиётдан беҳад қу- вонади. Яна у гул етиштиришга ҳам ниҳо- ятда қизиқади. Гуллари жуда кўп.


Комила Боймуродова 25 йилдан буён «Ishonch» газетасида ишлаб келмоқда. II гуруҳ ногирони бўлган Комила ўғли Ҳик-

матжонни ёлғиз ўзи вояга етказмоқда. Ин- тилувчанлиги боис, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланади. Изланишдан тўхта- майди. Унинг наздида, ҳаёт курашлардан иборат.

Комила тинимсиз изланадиган меҳнат- каш аёл. У 2010 йилда «Йилнинг иродали аёли» номинацияси ёғлиби бўлган. У ҳаёти- даги ҳар бир муваффақият, ҳатто, кичик бир ютуқ учун, аввало, қийинчиликларга таъ- зим қилади. Уни юксакликка олиб чиққан МАШАҚҚАТЛАР учун ташаккур айтади...

Гулчехра МИРЗАЕВА, журналист

Орамиздаги одамлар



Сурхондарё
вилояти

Долзарб мавзу

Беписанд муносабат ва жавобсиз хатлар...

ёхуд ишчи-ходимлар ҳимояси ва меҳнат муҳофазасидаги «дард»ларимизга қачон шифо топилади?

Юртимизнинг барча ҳудудлари каби Сурхондарё вилояти ҳам бугун улкан қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланган. Кун сайин чирой очиб, кўркмлашиб бораётган Термиз шаҳридаги қурилиш майдонларида ишловчиларга яратилган иш ва дам олиш шароитлари, шунингдек, меҳнат муҳофазаси борасидаги аҳволни ўрганиш мақсадида Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилояти бирлашган кўмитаси раиси Бахтиёр Ҳайитов билан бир қатор қурилиш майдонларида бўлдик.

Кузатувларимизга кўра, Термиз шаҳридаги Алишер Навоий кўчасида 2019 йилнинг 1 мартидан бунёд қилинган кўп қаватли турар-жой биноси қурилишида меҳнат қилаётган ишчи-ходимларга етарлича шарт-шароитлар яратилмагани аниқланди. Масалан, курувчилар 2-, 3-, 4-қаватларда ишлаётган бўлишлари қарамай, биронтаси

лояти «Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат» инспекцияси ходими томонидан олиб борилади, – дейди у ва юқоридаги масалалар бўйича қаергадир телефон қилиб, бизни текширяпти, деганча гўшакни тутқазди.

– Сенлар нега текширясанлар? Ҳозир текширишлар тақиқланган. Йўқса, тегишли жойга хабар бераман. Учланган ҳам 80 миллион сўмдан жарима тўлатиб, жиноий жавобгарликка тортираман. Тезда чиқиб кетинглар, вақтларинг борида, – деди гўшакнинг нарёғида турган одам.

– Кимсиз?
– Сурхондарё вилояти «Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат» инспекциясининг масъул ходими Рустам Жумаевман.

– Бу қурилиш майдонига қай даражада алоқангиз бор?

– Кўп майнавозчилик қилмай, айтганимни қил, – деди пўписа билан у ва телефон гўшагини қўйиб қўйди.

Яна Зафаржон Жўраевга юзланамиз:

меҳнат шароитлари яратилмагани, қонун-қоидаларга риоя этилмагани учун жавобгарликдан кўркмайсиларми?

– Буйруғинг борми? – деди Зафаржон Жўраев саволга жавоб беришни ўзига эп кўрмай.

Унга Сурхондарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедовнинг 20 январь 2020 йилдаги «Вилоятда қурилиш объектларида ишлаётган ёлланма ишчиларнинг қонунда белгиланган меҳнатга оид ҳуқуқ ва имтиёзларини таъминлаш, меҳнатларини муҳофазасида қилишда жамоатчилик назоратини олиб бориш мақсадида»



ишчи гуруҳ тузиш ҳақидаги 5-п рақамли фармойишини кўрсатдик.

– Ақани ҳурмат қиламиз, лекин бу фармойиши бизга ўтмайди, – деди у.

– Нега?

– Кўп қаватли уй қуришнинг ўзи бўлмайди. Бинонинг том қисми ёпиляпти. Сўнг пардозлаш ишларини бошлаймиз. Кийим-бошлар, каскалар олганми. Чунки булар бугун бизда ишласа, эртага бошқа қурилишда ишлайди. Тўғри, мен ҳам аввал касаба уюшмаларида ишлаганман. Сизлар сўраган талабларни яхши тушунаман. Бироқ уларни бажаришнинг иложи йўқ. Бунинг бари маблағга бориб тақалади. Қолаверса, булар ёлланма ишчи. Баъзан, юқоридан бугун қурилиш майдонига 100 нафар одам бўлсин деган топшириқлар бўлади. Лекин, ўша кунни 100 нафар ишчига етарли иш ҳажми мавжуд бўлмаса-да, одамларни норасмий «Меҳнат бозори»дан нақд пулга олиб келиб турамыз. Шу билан бирга, иш бажармаса ҳам кунлик келишувдаги пулни нақд чўнтагимиздан тўлаганимиз камдек, ўша кунлари уларга ҳам иссиқ



овқат берамиз.

– Ходимларнинг иш вақтида бахтсиз ҳо-дисаларга учрамамлиги мақсадида хавфсиз меҳнат талабларига риоя этилишини таъминлаш учун йуриқномадан ўтаётган ёки ўтмаётганини билиш мақсадида «Иш жойида»ги журналларни бир кўрайлик.

– Уни кўрсата олмайман. Чунки у иш бошқарувчимизда. Ҳозир у киши бу ерда йўқ.

Хуллас, курувчи манфаатини ким ҳимоя қилади? Бу савол ҳамон очик қолмоқда. Ахир, иш берувчи ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳо-дисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигига риоя этилиши устидан назоратни олиб бормагани сабабли корхонада



ўлим билан туганган бахтсиз ҳо-дисалар юз бермоқда.

Мисол учун, 2019 йилнинг 3 мартда Термиз шаҳри Фидокор кўчасида қурилаётган замонавий 5 қаватли уй-жой қурилишида «Сурхонсаноттаъминот» МЧЖга қарашли «МАН» русумли автокран юк кўтарган пайтда кўтарма кран орқали тепага йўқ, цементли қоршма олиб берадиган мослама қисиб юбориши на-

тижасида 1978 йилда туғилган гишт терувчи Парда Мустафоев воқеа жойида вафот этган.

– Ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча кўнгилсизликлар бўлаётган қурилиш ташкилотларида меҳнат муҳофазаси йўлга қўйилмаган, – дейди Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилояти бирлашган кўмитаси раиси Бахтиёр Ҳайитов. – Меҳнат хавфсизлиги устидан жамоатчилик назорати фаолияти эса умуман йўқ. Марҳумнинг оила-аъзоларига қонунларимизда кўрсатилган имтиёзларнинг баъзиларини кўрсатишда қийинчиликлар кўп



бўлди. Бу каби ҳолатларнинг олди олиниши учун касаба уюшмаларига аъзо бўлиш афзалликлари ҳақида тушунтиришларни мунтазам бериб бораёلمиз. Лекин уларнинг раҳбарлари хоҳлашмаяпти. Биргина мисол, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Сурхонсанотқурилишнинг» корхоналари уюшмаси директори Б.Қодировга ҳамда «Термиз тезкор қурилиш» ихтисослашган таъмирлаш қурилиш ташкилоти бош директори Х.Алламуродовга 2019 йил 31 январда юборилган хатларимиз ҳанузгача жавобсиз қолмоқда...

Хулоса шунки, қурилишдаги ишчи-ходимлар ҳимояси ва меҳнат муҳофазаси очиклигича қолмоқда. Долзарб масалани эса кечиктириб бўлмайди. Бунда инсон тақдирини бердигани унутмаслик лозим.

Дониёр ШУКУРОВ,

Сурхондарё вилояти касаба уюшма

ташкилотлари бирлашмаси Меҳнатни

муҳофазаси қилиш бўлими етакчиси мутахассиси,

Рустам ДАВЛАТОВ,

«Ishonch» мухбири



ҳам махсус кийим-бош билан таъминланмаган.

Ўзини иш бошқарувчи деб таништирган Фурқат Жабборов шундай дейди:

– 35 нафар курувчининг деярли барчаси ёлланма ишчи. Улар ўзаро оғзаки келишув асосида меҳнат қилишапти. Ойига бир миллион сўм ойлик маош нақд пулда берилади. 5-6 нафар ишчи ётиб ишлайди. Уларга эрта-лаб нонушта, тушлик ва кечқурун икки маҳал иссиқ овқат бериляпти.


Мазкур бино қурилиши пудратчиси – «Термиз ўрта шарқ» ХК таъсисчиси Зафаржон Рузиевга учрашдик ва савол бердик:

– Ходимларнинг хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун ҳар кун назорат олиб борилиши керак. Хусусий корхонамида эса, негадир, хавфсизлик муҳандиси лавозимини жорий этилмаган. Бу ишларни қурилиш майдонларинида ким олиб боради?

– Хавфсизлик масалалари Сурхондарё ви-



– Қурилиш майдонига бажарилмаган ишларнинг деярли ярми ўта хавфли ишлар қаторига киради. Бунга балангликда, қудуқларда, юк кўтариш машина-механизмлари билан ишлаш каби бир қатор ишларни бажараётганда ишчиларнинг бахтсиз ҳо-дисаларга учраши оқибатида иш берувчи томонидан хавфсиз ва соғлом



Самарқанд
вилояти

Бир мурожаат ордидан

Кўр-кўрона ёндашув оқибати

Иштихон тумани ДСЭНМ (собиқ ташкилот. Ҳозирги СЭОМ) ходими Ленера Ҳасанова Олий Мажлис Сенатига ноҳақ ишдан бўшатилганидан озурда бўлиб, ҳуқуқни тикла-нишда ёрдам кўрсатишларини сўраб, мурожаат қилган. Мурожаат ўрганилганида фақат Л.Ҳасанова эмас, балки шу ташкилотнинг 23 нафар ходими ишдан нотўғри бў-шатилгани аниқланди. Ташкилот раҳбарининг тузилмавий такомиллашувни тўғри англаб етолмагани, юқори ташкилотлар буйруқ ва кўрсатмаларига амал қилмагани, ислохотга кўр-кўрона ёндашгани оқибати бу.



Хабарингиз бор, 2019 йилнинг 9 сентябрида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тад-бирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилин-ганди. Ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 январдаги 14/1-2912-сонли топшириқ хати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик агентлигининг 7 январдаги 2-, вилоят СЭОМнинг 9 январдаги 2-сонли буйруқлари чиқарилган. Уларда таркибий бўлинмаларни кадрлар билан таъмин-лаш ва лабораториялар фаолиятини мақбуллашти-риш, ўрнатилган тартибга қатъий амал қилиш, кад-рлар шахсий таркибини аниқлашга доир кўрсат-малар аниқ-тиниқ белгилал берилган.

Аммо Иштихон тумани СЭОМ маркази бош врач Т.Ибрагимовда юқоридаги кўрсатмалар ва буйруқларни кутиб ўтиришга сабр-тоқат ет-мади. У шоша-пиша 2020 йилнинг 8 январда (юқоридаги буйруқларни қўлга олмасдан бир кун илгари) ўзининг 10-сонли буйруғи билан

қўл остида ишлаётганларнинг барчасини бў-шатди-қўйди. Тўғри, шу кунни туман СЭОМнинг 10-р-сонли буйруғи ҳам тайёрланган. Унга асо-сан гўё «Иш унумдорлигини аниқлаш комиссия-си» тузилган. Бироқ ишдан бўшатилган тўғри-даги буйруққа комиссия мажлиси баённомаси илова қилинмаган. Маъмурият қарорини комис-сия таркибига кирган бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси маъқулламаган. Буйруқ билан ҳеч ким таништирилмаган ҳам. Бу хатти-ҳара-катлар ходимлар, шу жумладан, Л.Ҳасанованинг ҳақли эътирозига сабаб бўлган.

Ташкилотда бўлиб, мақбуллаштиришнинг маз-мун-моҳиятини барча ходимларга етказишимизга тўғри келди. Ҳукуматимиз ва юқори ташкилотлар йуриқномалари асосида ҳужжатлар шаклланти-рилди. Ходимларни бетарафлик асосида танлаш, жой-жойига қўйиб, бандлигини ўрнатилган тар-тибда таъминлаш чоралари кўрилди. Одамлар но-розилигига сабаб бўлган туман СЭОМ раҳбарининг ноқонуний 10-сонли буйруғи бекор қилинди. Лекин, маъмуриятнинг қайсарлиги боис, ҳали-ҳануз тизим ходимлари янгиланган ташкилотда қайси ўринда фа-олият юритиши аниқлаб олинганча йўқ.

Тармоқ мутасаддилари ишчиларнинг эъти-розига ўзларини жўяли жавоб тополмаётгандек қилиб кўрсатиб келишмоқда. Жамоани истиқ-болга бошлайдиган ҳам, таназзулга, умидсизликка чулғайдиган ҳам раҳбар. Қаердаки ишга ва ана шу ишни олға силжитадиган ходимларнинг тақдирига масъулият билан ёндашилса, ўша жойда хато-кам-чиликларга йўл қўйилмайди. Шундай ҳол юз бер-ган тақдирда ҳам гап-сўзни чувалатмай ҳолисона ҳал қилинади.

Маъруф БОБОЁРОВ,

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Хабарнома!

«Бухоро ҳамкорлик савдо» МЧЖ Қорақўл «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун эркалар интернат уйи билан тузилган савдони ташкил қилиш шартномасига асосан мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик кимошди савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги мулклар қўйилган:

1. 2005 йда и/ч, «Дамас» русумли, д/р 80,858 САА бўлган автомашина.

Бошланғич баҳоси – 12 210 243 сўм.

Савдо 2020 йил 30 март кунни соат 11:00да Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уйда бў-либ ўтади.

Аризалар 2020 йил 28 март кунни соат 18:00гача қабул қилинади.

Сотилмай қолган автотранспорт воситаси савдо шартлари ўзгармаган ҳолда қайта очик савдоларга 2020 йил 6-, 13-, 20-, 27 апрель кун-лари чиқарилади.

Савдоларда қатнашиш учун истак бил-дирган шахслар қуйидаги ҳужжатларни тақ-дим этишлари шарт:

– Мулкни сотиб олиш учун ариза;

– Закалат тўғрисидаги келишув шартномаси;

– «Савдо ташкилотчиси»нинг ҳисобрақа-мига (МФО: 00119, СТИР: 300615974, банк:

«Ипотека» банк АТБнинг «Сардор» филиали, х/р: 20208000604658859001) мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридagi гаров пу-лини тўлаганликлари тўғрисидаги тўлов ҳуж-жатининг асл нусхаси;

– Жисмоний шахслар учун – паспорт нус-хаси, вакили бўлса, қонунда белгиланган тар-тибда унинг номига расмийлаштирилган ишонч-нома;

– юридик шахслар учун – шахснинг дав-лат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси. Агарда аукционда ваколатли вакил

қатнашганда, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилади.

Автотранспорт воситалари учун аризаларни қабул қилиш (шанба ва яқшанба ҳамда байрам кунларидан ташқари) савдолар бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аризалар «Бухоро ҳамкорлик савдо» МЧЖ томонидан қабул қилинади.

Иштирокчиларга аукцион савдоси тўғри-сида эълон чоп этилган кундан бошлаб аукци-онга қўйилган мулклар билан танишиш имко-нияти яратилади.

Манзил: Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уй. Телефон: (0-365) 221-58-87.

Хизматлар лицензияланган.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

«Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик кимошди савдосига таклиф этади!

Очик кимошди савдосига Ўзбекистон Рес-публикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент ви-лояти Ички ишлар бошқармасига қарашли бўл-ган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйил-моқда:

1. 1986 йда и/ч, д/б: 10 233 VSF бўлган «Ваз 2121» (носо) автотранспорт воситаси. Бош-ланғич нархи – 2 440 000 сўм. 2. 1999 йда и/ч, д/б: 10 229 VSF бўлган «Отайўл» (носо) ав-тотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 13 892 000 сўм. 3. 1991 йда и/ч, д/б: 10 228 VSF бўлган «М-412» (носо) автотранспорт воси-таси. Бошланғич нархи – 1 314 000 сўм. 4. 1990 йда и/ч, д/б: 01 387 VSD бўлган «Ваз 21063» (но-со) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 2 294 000 сўм. 5. 1998 йда и/ч, д/б: 01 396 VSD бўлган «Газ 2410» (носо) автотранспорт воси-таси. Бошланғич нархи – 3 215 000 сўм. 6. 1994 йда и/ч, д/б: 01 092 VSD бўлган «Ваз 2106» (но-со) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 3 724 000 сўм. 7. 1991 йда и/ч, д/б: 01 049 VSD бўлган «Ваз 21063» (носо) автотранспорт воси-таси. Бошланғич нархи – 2 267 000 сўм. 8. 2002

йда и/ч, д/б: 01 190 VSD бўлган «Тико» (носо) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 3 103 000 сўм. 9. 1994 йда и/ч, д/б: 01 143 VSD бўлган «Ваз21099» (носо) автотранспорт воси-таси. Бошланғич нархи – 2 611 000 сўм. 10. 1995 йда и/ч, д/б: 01 296 VSD бўлган «Ваз 2106» (но-со) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 3 762 000 сўм. 11. 1991 йда и/ч, д/б: 10 255 VSF бўлган «Ваз 21063» (носо) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 2 267 000 сўм. 12. 1990 йда и/ч, д/б: 01 162 VSD бўлган «Зил» (но-со) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 11 615 000 сўм.

Аукцион савдолари 2020 йилнинг 31 март ва 14-, 28 апрель, 5-, 19 май кунлари соат 11:00да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Бери-ун кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Мазкур автотранспорт воситалари 2020 йил 31 март кунги аукцион савдоларида сотилмай қолган тақдирда эълонда кўрсатилган кейинги белгиланган савдо кунларида ўтказилишини маълум қиламиз.

Талабдорлар савдо ташкилотчиси савдода

қатнашиш учун юзага келадиган ҳар бир мулк учун барча харажатларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабдор-лар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда КТИАСнинг ҳисоб-рақамига (х/р: 20208000904929477001, «Ипо-тека банк» АТБнинг Шайхонтоҳур филиали, МФО: 00425, СТИР: 302074183, ОКОНХ: 83200) тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳуж-жатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9:30дан 16:00гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлар-дан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қа-бул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш кунни қолганда соат 15:00дан тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Бериун кўчаси, 83-уй. Tele-фон: (0-371) 249-54-59. Веб сайт: ktias.uz


Хизматлар лицензияланган.

Эълонлар

Тошкент шаҳри

Истеъдод куртаклари

Темурбек Зуфаров етти ёшда. У ҳали мактабга бормасидан турли математик амалларни бажариб, ўз қобилияти билан ота-онаси, яқинларини ҳайратга қўя бошлаган. Темурбек айни пайтда Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 75-умумтаълим мактабида биринчи синфда ўқийди.



Темурбек жаҳон олимпиадасида қатнашади

Темурбек мактаб тасаруфидagi «NINERS» нодавлат ташкилотидида менталь арифметика сирларини ҳам ўзлаштириб бормоқда. Яқинда ўтказилган мусобақада туман, шаҳар босқичида ғолиб бўлди. Республика босқичида ҳам менталь арифметиканинг «А» категорияси бўйича фахрли 1-ўринни эгаллаб,

жаҳон олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Фарзандимнинг халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашиши учун барча шароитларни яратиб босқичида ғолиб бўлди. Республика босқичида ҳам менталь арифметиканинг «А» категорияси бўйича фахрли 1-ўринни эгаллаб,

Мунаввар ШЕРНАЗАРОВА



Нуқтаи назар



Порахўрлик жамият ҳаёти илдизига болта урадиган ўта жирканч иллат бўлиб, негадир доим айбдорлар – пора олаётганда қўлга тушган мансабдор шахс ёки битмай қолаётган ишини битириш учун мансабдор шахсга пора бермоқчи бўлганда ушланган фуқаро жазога тортилади.

Аслида, бу қонунан тўғри. Аммо шундай бир тоифа кишилар ҳам борки, улар порахўрлик «вируси»ни қасддан одамларга «юктириб», ўзлари нима учундир жазодан четда қолиб кетишади. Хўш, улар ўзи ким? Улар ҳар бир қилинган иш учун «миннатдорлик» билдиришни бениҳоя ёқтирувчи, ўзларининг шу тариқа бошқалардан ажралиб туришини хоҳловчи, чўнтагида бир тийини қолмаган тақдирда ҳам, кимлардандир қарз олиб бўлса-да, ўзи фойда кўрган кишига нимадир тикиштириш илтижиди ярадиган кимсалар.

Шу ўринда «жамиятда порахўрлик «вируси»ни тарқатувчи бу кимсалар қай тариқа пайдо бўлган, ахир улар ҳам ёшлигидида оддийгина, самимий, тўғри-сўз бола бўлишган-ку?», деган ўринли савол туғилади.

Унда ўзингиз бир мушоҳада қилиб кўринг, поликлиникага боласини эмлатишга келган она шифокорлар кўригидан ўтиб бўлган, норасиданинг кўз ўнгидида қар бир дўхтирнинг чўнтагида пул соҳиб кўяди. Шу тўғрими? Поликлиника эшигига катта ҳарфларда «БАРЧА ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР БЕПУЛ», дея ёзилган бўлса ҳам биз барибир «миннатдорчилик»ни қанда қилмаймиз. Гоҳида эса боланинг кўлига пул бериб, «Хув анави дўхтир холингга раҳмат, деб кел», дея ўзимиз унга порахўрлик касаллигининг илк белгиларини «юктираемиз».

Тез орада бу болакай боғчага боради. Боласига яхшироқ қараши учун онасининг кунда-кун ора «миннатдорчилик» сифатида олиб бораётган ширинлик-у қиммат қарвалари сабаб боғча онасининг «ардоғида» юриб ўсган тез эркатой энди ўзини тенгдошларидан анчайин устун санаб бошлайди ва шу тариқа поранинг «ширин таъмини» илк бора

дорчилик»лари бора-бора унинг ишлаш жараёнида қилаётган ялтоқликлари олдида гўёки арзимасдек бўлиб қолади.

Ўзи ҳам пора олмаса бўлмайдиган, бировга ҳам пора бермаса «фалажлик ҳолати»га тушиб қоладиган даражадаги бундай кимсалар эса, афсуски, орамизда талайгина. Хўш, нега улар жазаго тортилмайди? Нима учун порахўрликни авжига чиқарган бу тоифадагилар ҳали ҳам ишончасида байрамлар, туғилган кунлар, яна бир айрим саналар баҳонасида ўзидан юқори турувчи раҳбарларига тинимсиз «жўнатмалар» юбориб, бошқаларга ҳам қасддан порахўрлик вирусини юктириб юрaverиши керак? Шундай вазиятда нима учун раҳбар ёки юқори ташкилот ходими сифатида сиз томон юборилган порахўрлик вирусига тула «жўнатмалар»ни ўзингиз ҳам индамай олиб қолаверингиз керак, ҳурматли инсонлар?

Кўз олдингизда дўхтирларнинг чўнтагига пул тикиштираётганини кўрсангиз-у мента нима, дея бефарқ бўлсангиз, мактабда ота-оналар мажлисида болаларнинг ўқишидан эмас, фақат йиғинда-йиғдилар ҳақида гапирилса-ю, сиз истиҳоло қилиб индамай турсангиз, курсдошингиз аъло баҳо олиш учун ўқитувчингизга пул бераётганини индамай «ҳазм қилиб» кетаверсангиз, ҳамкасбингиз яхшироқ маош илтижиди, мансабиди муқим қолиш истагиди бошлиқларга ҳар ой «миннатдорчилик» билдириб, соғва-саломлар бериб турса-ю, бунга жимгина кузатувчи бўлсангиз, сизга ишониб топширилган лавозимни суиистеъмол қилган ҳолда «Берганингиз» бошлайди. Бу вируснинг олийгоҳга кирганда, ўқиётганда, битираётганда ҳам бениҳоя «қўл келишини», айрим ўқитувчиларнинг ҳаминқадар китобларини сотиб олиб, талабаларга ҳам сотишга кўмаклашиш жараёнида яна бир бор амин бўлади.

Шу тариқа олийгоҳни битирган «порахўронавирус» ташувчиси ишлаётган жойида ҳам тинч ўтирмайди. Ишга кириш учун бошлиққа минг айланб ўргилиб қилинган «миннат-



Орзуғул РУСТАМОВА, «Ishonch»

Оғриқ тилшар

шоҳли моллар савдоси ташкиллаштирилган жойда санитария талабларига эид равишда озиқ-овқат маҳсулотлари сотилиши, ошхоналарнинг фаолият кўрсатишига ҳозирча ҳеч ким эътироз билдирмапти.

– Ҳар йили йирик ҳамда майда шоҳли моллар орасида юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида эмлаш ва дезинфекциялаш ишларини юритамиз, – дейди туман бош ветеринар врач ўринбосари Ш.Реимбаев. – Айниқса, бруцеллез, туберкулез, куйдирги, қутуриш, овсил, тери буртмаси, чечак ва уй ҳайвонларига учрайдиган бошқа касалликларга чалинган молларнинг савдога чиқиб қолишидан эҳтиёт бўлишимиз керак.

Яқшанбалар оралиғида воҳодаги бозорларда навбатма-навбат чорва моллари савдоси ташкил этилади. Савдонинг «тили»ни беш бармоқдай ўрганган молфурушлар ичида бир юмалаб сотувчи, бир юмалаб харидор, яна бир юмалаб даллал қиёфасига кирадиган шоввоэлар кўп.

Шундай экан, юқорида айтилган касалликлар билан хасталанган чорва молларининг савдога чиқарилмаслигига кафолат борми? Ҳўжайли туманидаги йирик ҳамда майда шоҳли моллар сотиладиган бозорда, айрим одамларнинг қўй-эчкиларга 5-6 қадам масофада ошхона ташкил этиб даромад топишга интилишини қандай баҳолаш мумкин? Бозорларимизни фақат манфаатлар тўқнашадиган майдонга эмас, аксинча, маданиятлар биришиб, маънавиятлар шаклландиранган масканга айлантирсак, деган фикрдамыз.

Бу ҳолатларни мутасаддилар атрофлича ўрганиб чиқиб, манфаатли ҳамда оқилона ҳулоса чиқаради, деган умиддамыз.



Ортиқбой МАМУТОВ, «Ishonch»

МУҚОБИЛ МАЛАКА ОШИРИШ таълим сифатида янги ўзгаришлар ясайди

Олий таълим тизимидаги педагоглар малакасини оширишда қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда. 2019 йилнинг сентябридан малака оширишининг бевосита ва касбий фаолиятга алоқадор билвосита шакллари вариатив ва бир-бирини тўлдирish таълимлари асосида раҳбар ва педагог кадрларнинг узлуксиз малака ошириш тизими амалиётга жорий этилди.

Мазлумотларга кўра, 2019 йил сентябрь-декабрь ойларида олий таълим муассасаларининг 3380 нафар раҳбар ҳамда педагог кадрлар қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига қабул қилинган. Мен ҳам ушбу имкониятдан унумли фойдаландим. Гап шундаки, талабаларга билим бериш билан бирга илмий фаолиятни ҳам олиб боряман. 2017 йил Эрасмус+Тимур лойиҳаси эълон қилган танловда иштирок этиб, хорижда докторантурада ўқиш имконини қўлга кирит-

дим. Лойиҳага мувофиқ, 2017-2018 йилларда Чехия табиий фанлар университетидида докторантурада ўқидим ва Ўзбекистонга келиб 2018 йилда фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ҳимоя қилдим.

2019 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Эл-юрт умиди» жамғармаси эълон қилган танловда қатнашиб, хорижда малака ошириш имконини қўлга киритдим. Унга кўра, Россия фанлар Академиясининг И.П.Павлов номидаги Физиология институтида малака ошириб келдим.

Бундай муқобил малака ошириш турларининг жорий қилиниги, албатта, ўқитувчиларга қулайлик яратиб, уларнинг билим доираси янада кенгайишига хизмат қилади.

Иродахон КАРИМОВА, Ўзбекистон Миллий университети биология факультети ўқитувчиси

Корақалғонiston Республикаси

Ўтган йили Ҳўжайли тумани деҳқон бозори ҳудудида 400 ўринли савдо растаси қурилиб, автотураргоҳда бешта бекат барпо этилганди. Бугун юзлаб автоуловлар ўн йўналиш бўйлаб аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Йўловчилар учун махсус соябон ва ўриндиқлар ўрнатилган.

Айни вақтда ҳам бозор ҳудудида бунёдкорлик давом этмоқда. Ёниқ бозорнинг кириш қисмида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилиб, қурилиши мўлжалланаётган 184 та дўконнинг дастлабки 12 таси битиш арафасида. Жорий йилнинг ўзида балиқ, гўшт, сут, парранда ҳамда нон маҳсулотлари билан савдо қилладиган 5 та ёпиқ павильон бунёд этилиши кўтилмоқда. Шу билан бирга, меҳмонхона, тиббий хизмат кўрсатиш пункти, омборхона, катта сиймиди соғувтич ва милиция таянч пунктларини бунёд этиш режалаштирилади.



Шундай шароитлар яратилаётган бир вақтда бозорларда қўлбола расталар қуриб, санитария нормаларига риоя этмасдан савдо ўринларини ташкил этаётганлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, бозор ҳудудида яқин автовокзалнинг кўча тарафига сотувчилар жойлашиб олгани сабаб, йўналишли таксилар учун махсус тураргоҳ торлик қилмоқда. Ҳар яқшанба кунини бозор ходимлари билан сотувчилар ўртасидаги «текин томоша»га ҳам мана шу ерда гувоҳ бўласиз.

таргибот-ташвиқот тадбири ташкил этилмаганига нима дейсиз? Маъмурият ходимлари билан деҳқонлар ўртасида келиб чиққан тушунмовчиликка келсак, чеккада туриб томошабин бўлиш касабақум раисига асло ярашмайди. Яна бир жиҳат, жамоа аҳиллиги, тотувлиги ва ходимларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибати касаба уюшма етакчисининг ташкилотчилик маҳорати, ташаббускорлиги, фидойилиги ва жонқуярлиги ҳам боғлиқ. Бугун собиқ хо-

айтиб ўтиш жоиз. Охириги ўн икки йил ичида бозор раҳбари ҳам ўн мартадан кўпроққа ўзгарган. Улар ичида корхонага уч ой, бир ҳафта, ҳаттоки, уч кун раҳбарлик қилганлар ҳам бор.

Бозор маъмурияти атрофида ҳозир ҳам тинчлик ҳукм сурмоқда, деб айтиш қийин. Бугунги «ёзишма»лардан ҳулоса чиқарсак, кимлардир «калага яраша сала» ахтариш билан овозра бўлаётган бўлса, бошқалар «саллага яраша бош» топишининг ҳаракатидадир.

Шу ўринда Ҳўжайли тумани «Деҳқон бозори» МЧЖ маъмуриятида раҳбар кадрларнинг қўнимсизлиги борасида ҳам димларга айланб улгурган айрим фуқароларнинг юқори ташкилотларга мурожаатлари жамоа шартномаси бандлари ишчи-ҳодимлар манфаатларига хизмат қилмаслиги ёки юридик кучга эга бўлган ҳужжатнинг ҳаракатсизлигидан дарак бермоқда.

Аҳиллик йўқ жойда азал-азалдан барака, тартиб ва интизом бўлмаган. Буни шаҳар ташқарисида жойлашган мол бозори мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бозор дарвозасига кираверишда кўзга ташланадиган сомсахона харидорлар билан гавжум. Тўда-тўда кўй-эчкилар ёнгина-сидидаги қатор соябонлар тағида «кўчма» ошхоналар бемалол фаолият юритмоқда. Шамол турса осмонни чорва молларининг гўнги билан аралаш ҳавога кўтариладиган енгил чанг қоплайдиган ҳудудда манти, кабоб, тухум барак, балиқ маҳсулотлари савдоси авжиди. Бир зумда ошхона хизматини кўрсатадиган «очил дастурхон» эгалари савфиди носфурушлар ҳам бор. Ҳар бозор кунини 400-500 тагача йирик ҳамда майда

MUASSIS: O'zbekiston Kasaba Uyushmalari Federatsiyasi. ISSN 2010-5003. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган. «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахрир ҳайъати: Қудратилла РАФИҚОВ (тахрир ҳайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сухроб РАФИҚОВ, Шокосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темур МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари «Ishonch-Доверие» бўйича), Мехриддин ШУКУРОВ, (Маъсум котиб «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Маъсум котиб «Ishonch-Доверие»). Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ. Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69. Ҳўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89. Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79. Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43. Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73. www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин. Ҳудудлардаги мухбирлар: Қорақалғонiston Республикаси – (+998-99) 889-90-22. Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23. Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31. Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34. Намангон вилояти – (+998-99) 889-98-02. Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28. Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44. Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26. Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55. Суҳандарё вилояти – (+998-99) 889-90-32. Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24. Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01. Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27. «Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин. Навбатчи муҳаррир: С. Абдурахмонов. Мусакхиллар: С. Шодиёва, Э. Холмухаммедова, Д. Орипов. Саҳифаловчи: Х. Абдужалилов. Ҳада яқини – 23-15. Топширилди – 23-50. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳақини 2 босма табоқ. Буюртма Г – 217. 30688 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133. 1 2 3 4 5 6. Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz. Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Sharq» нашриёт-матбаа ахборотлиқ компанияси Босмаҳонасида chop этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001. АТИБ «Ipoteka bank» Яшновод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130.